

Вилоят ҳокими Шухратбек Қўшақбоевич Абдураҳмоновнинг Андижон шаҳридаги  
Қўғирчоқ театрини очилиш маъросимидаги табрик  
СЎЗИ

**Ассалому алайкум қадрли ҳамюртлар!  
Ҳурматли ота-оналар, қурувчилар!  
Азиз меҳмонлар!**

Аввало, бугунги тантанали маросимда иштирок этаётган барча азиз фарзандларимизни, ота-оналарни, фидойи қурувчиларни ва кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда меҳмонларни **“1-июнь - Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кuni”**, шунингдек, яқинлашиб келаётган **Муборак рамазон оyi** муносабати билан самимий муборакбод этаман.

Муҳтарам Президентимизнинг келажак авлод эгаларига бўлган эътиборлари ва ғамхўрликлари билан 2016 йил “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилинди ва бу алоҳида диққатга сазовор бўлди. Бугунги тадбиримиз иштирокчилари айниқса, мана бундай ўқувчи болаларимизнинг ёниб турган кўзларида, чеҳраларида ана шундай эътибор ва ғамхўрликдан миннатдорлик аломатлари яққол сезилиб турибди.

Шу ўринда Юртбошимизнинг ёш авлодга юксак ишонч билдириб, **“Бизнинг мана шу қисқа даврда мустақилликка эришиш, миллий давлатчилигимиз, эртанги кунимизни қуришда, юртимизни турли бало-қазолардан асрашда, Ўзбекистонимизни ривожланган демократик давлатлар қаторига кириши, жаҳон майдонида муносиб обрў топишида энг асосий омиллар нима деб сўраса, мен, бошқа мезонларни инкор этмаган ҳолда, бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтган бўлардим: бу йўлдаги энг муҳим омил - бу ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмасдан, бошини баланд кўтариб яшайдиган, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга, халқимиз интилаётган келажаги буюк давлатни барпо этишга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялаш”** деган фикрлари айни ҳақиқат эканига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

### **Қадрли юртдошлар!**

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигини катта хурсандчилик билан нишонлашга оз фурсатлар қолмоқда.

Манашу 25 йил, чорак аср давомида ҳар соҳада салоҳияти юксак, бетакрор юртимиз Андижонда ҳам катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди ва давом этмоқда.

Сизлар билан бугун муҳтарам Юртбошимизнинг биз андижонликларга юксак эътиборлари натижасида, Марказий Осиёда ягона бўлган, **8 млрд.сўмдан** зиёд маблағ эвазига қуриб битказилган, замонавий кўринишдаги **300 ўринли** мухташам **Болалар вилоят қўғирчоқ театри** фойдаланишига бағишланган тантанали маросимда йиғилиб турибмиз.

Аввало бу ерда амалга оширилган сифатли қурилиш ишлари учун **“Бунёд гранд сервис”** кўптармоқли ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Хикматилло Рахимов бошчилигидаги 500 нафар қурувчиларга вилоят ҳокимлиги ва бугун Андижон аҳли номидан алоҳида миннатдорчилик билдираман.

Иншоот жойлашган умумий майдон 1 гектарни ташкил этиб, унда 1 та асосий, 2 та қўшимча зал, Ахборот ресурс маркази, музей, “Маданият ва маърифат”, “Тиббиёт” ва тўғарақлар учун мўлжалланган жами 25 та хоналар мавжуд.

Келгусида бу иншоот нафақат театр намоишларини ўтказиш, бундан ташқари униб ўсиб келаётган азиз фарзандларимизни тасвирий ва амалий санъат, компьютер саводхонлиги ва рақс сирларини ўрганишларига ҳам хизмат қилади.

## **Ҳурматли тадбир иштирокчилари!**

Ҳозирги тез ўзгариб бораётган глобаллашув шароитида миллий манфаатларимиз, маънавиятимиз, урф-одатларимиз, қадрият ва анъаналаримизнинг ўзига хос бетакрор ҳусусиятлари, тарихий тараққиёти, унинг бугунги ҳолати ва истиқболи билан боғлиқ масалаларни чуқур ўрганиш, бу борада олиб борилаётган ишлар самарадорлигини янада кучайтиришни тақозо этмоқда.

Бугун ушбу Қўғирчоқ театрини очилиши аҳолимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она Юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдиришга, Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлашга, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш борасидаги ишларимизни яна бир карра оширишига хизмат қилади деб ўйлайман.

## **Азиз юртдошлар!**

## **Ҳурматли тадбир иштирокчилари!**

Ушбу муҳташам маданият саройида Ўзбекистон қўғирчоқ театрларининг анъанавий республика кўрик-фестивали ўтказилади.

Фестивалдан кўзланган мақсад Ватанимиз мустақиллигини, миллий қадриятларимизни тараннум этишга хизмат қилувчи сахна асарларини тарғиб қилиш, ёшлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни, бадиий жамоалар ҳамкорлигини янада кенгайтириш ҳамда ёш томошабинларни Ўзбекистон қўғирчоқ театри санъатининг энг сара намуналари билан яқиндан таништиришдан иборат.

Мазкур фестивалга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан ташриф буюрган қўғирчоқ театрларининг актёрлари иштирокида энг сара спектакллар намойиши бўлиб ўтади. Шу фурсатдан фойдаланиб, барчаларингизни фестиваль доирасида намойиш этиладиган спектаклларга таклиф этаман.

### **Азиз Андижонликлар !**

Юртбошимиз томонидан олиб борилаётган улуғвор ишларни амалга оширишга вилоятимиз аҳли ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Бахтимизга Юртбошимиз доимо соғ-омон, юртимиз тинч, осмонимиз ҳамиша мусаффо, истиқлолимиз абадий бўлсин!

Яна бир бор барчаларингизни мустақиллигимизнинг 25 йиллик шодиёнаси билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

### **Эътиборларингиз учун раҳмат!**